

«ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИГА МОС ШАРОИТЛАРДА ТАЪЛИМ ОЛМОҚДАЛАР»



Мирзо Улуғбек туманидаги 50-сонли иқтисодлаштирилган умумтаълим мактабидан навқирон авлоднинг пухта билим олиши учун барча шарт-шароит яратилган.



Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежи ўқувчиларининг интеллектуал салоҳияти хорижийлик мутахассисларининг ҳам ҳавасини келтирди.

(Давоми. Бошланғич 1-бетдан.)

Жан Паул ван МАРИССИНГ, Лейден Вебстер университети директори (Голландия):

— Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида таълим тизимида эришилаётган ютуқлар ҳавас қилишга арзийди. Жумладан, халқаро ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, қатор нуфузли хорижий олий ўқув юртинларнинг филиаллари ташкил этилгани таҳсинга лойиқ.

Тошкент Халқаро Вестминстер университетида бўлиб, бу ерда йўлга қўйилган ўқув жараёни билан яқиндан танишдик. Ёшларнинг салоҳияти, иқтидорига қўйил қолдик. Улар ўзи танлаган мутахассислигини чуқур ўрганишга интиломда. Бунга суҳбатимиз асосида амин бўлдик. Шароитлар ҳам ажойиб. Хар бир хона замонавий ахборот технологиялари, ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Буларнинг барчаси дунё миқёсида тобора обрў-эътибори ошиб бораётган Ўзбекистоннинг яқин йиллар ичида энг тараққий этган давлатлар сафига қўшилишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Дюклов Каррон ФРАНСУАЗА, Франция Сенатининг Маданият, таълим ва коммуникация бўйича комиссияси раиси ўринбосари:

— Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганини яхши биламан. Ушбу ҳужжатларда кўзда тутилган мақсад ва вазифаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этиб борилаётгани боис ёшлар чуқур билим эгаллаб, юрт тараққийига муносиб улуш қўшадиган малакали мутахассислар бўлиб етишишмоқда. Мамлакатингиздаги бир қатор умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртига қилган таширишимиз чоғида бунга яна бир қарра амин бўлдик. Улардаги имкониятлар эътиборини тортмай қўймайди. Замонавий жиҳозланган ахборот-ресурс марказлари, лабораториялар, электрон кутубхоналар, спорт заллари ёшлар ихтиёрида. Ўқувчилар, талабаларнинг мақсади ҳам аниқ; қайси бири билан суҳбатлашманг, “Ўзим севган касб сирларини пухта эгаллаб, мамлакатим тараққийига ҳисса қўшаман”, дейди. Мана шундай эзгу ниятда, соғлом фикрда камолга етаётган авлодлари бор Ўзбекистоннинг эртаси бундан-да нурафшондир.

Каля ТИНГСАБАДХ, Чуалонгкорн университети вице-президенти (Таиланд):

— Глобаллашув даврида тараққийнинг энг муҳим шarti, шубҳасиз, таълим жабҳасини жаҳон андозларига уйғун тарзда тараққий эттиришдир. Мамлакатингизда мазкур соҳага айнан ана шу мезон асосида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, давлатингиз раҳбари

Бохумил ХАВРЛАНД, Чехия аграр университети илмий тадқиқот институти директори, профессор:

— Ўзбекистон таълим тизими моҳиятида фарзандларга гамхўрлик қилиш, уларни келажакнинг муносиб ворислари этиб камол топтиришдек олижаноб мақсад мужассам. Мамлакатингизда мактаб, ўрта махсус, касб-хунар таълими мажбурийлиги ва бундан йўли билан кафолатлангани хар жиҳатдан баркамол, салоҳиятли, интеллектуал етуқ авлодни тарбиялашда муҳим бўлмоқда. Дунё миқёсида халқингиз саводхонлик даражаси бўйича етакчи ўринларда тури-

ташаббуси билан юртингизда 12 йиллик таълим тизими жорий этилган. Бу эса ёшларнинг чуқур ва тўқис билим олиши, имконияти ҳамда салоҳиятидан тўлиқ фойдаланган ҳолда муносиб касб танлаши, жамиятда ўз ўрнини топишида катта аҳамият касб этади ва у замон талабларига уйғундир.

Таъқидлашни истардимки, дунё таълим тараққийида катта роль ўйнайдиган нуфузли халқаро кон-

ференция кун тартиби иштирокчиларга жуда маъқул келди. Жумладан, биз учун бир қатор зиё масканлари фаолиятдан бохабар бўлиш, таҳриба алмашиш, ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар билан суҳбатлаш имконияти яратиб берилди. Тараққийнинг “Ўзбек модели” узвий қисми саналуви таълим тизими билан амалий жиҳатдан танишиб, беҳад қувондик.

Мисол учун, Тошкент қурилиш-

шулар қаторида Турин политехника университети фаолияти мисолида мазкур соҳа халқаро таълим тараққийи ва имкониятлари билан жадал интеграциялашиб бораётганини теран хис этдим. Ушбу олий ўқув юртида техника йўналишига оид фанлар чуқур ўтилаётгани, талабалар ўз мутахассисликлари бўйича билим ва кўникмаларни илгор педтехнологиялар асосида ўзлаштираётгани эътиборлидир.

Халқаро тадбир муносабати билан “Ўзбек таълим модели самаралари моҳияти нимада?” деган саволга тўла ва атрафлича жавоб олиш имкониятига эга бўлганимиз бизни қувонтиради.

коммунал касб-хунар коллежида ўқувчилар учун барча шарт-шароит яратилганига шохид бўлдик — илгор ўқув-лаборатория хоналари, ахборот-ресурс маркази, спорт зали...


Конференция давомида бу борадаги ютуқлар билан янада кенроқ танишиш, ўзаро фикр алмашиш ҳамда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Майкл ЭДЕЛЬШТЕЙН, Рамапо коллежи директори ўринбосари, профессор (АҚШ):

— Юртингизнинг таърифини жуда кўп эшитганман. Мана, энди бевосита ўзим кўришга муяссар бўлиб турибман. Чиндан ҳам, халқингизнинг самимийлиги, меҳмондўстлиги, меҳр-оқибатлиги сафарингизнинг биринчи куниданқоғ менда катта таассурот қолдирди.

Шу ўринда, тадбир ташкилотчиларига алоҳида миннатдорлик билдиришмоқчиман. Сабаби, Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида атрафлича маълумотга эга бўлишимиз учун улар бизга мактаб, коллеж ва олий ўқув юртига фаолияти билан яқиндан танишиш, профессорлар, ўқитувчилар ҳамда ёшлар билан дилдан суҳбатлаш имкониятини яратиб беришди. Масалан, Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежида бўлганимизда, аввало, бу ердаги хоналарнинг кенглиги, шинамлиги ва ёруғлиги эътиборимни тортди. Таълим муассасасининг моддий-техник базаси ҳам мустаҳкам. Ўқувчилар энг сўнгги русумдаги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, билимларини бойитмоқдалар. Уларнинг уч-тўрт тилда эркин сўзлаша олиши эса ҳавасини уйғотди. Коллежда “Wi-Fi” технологияси (интернетдан симсиз фойдаланиш) жорий этилгани ҳам яна бир қулайликдир. Ёшлар шу орқали таълим муассасаси ҳудудида исталган хойдан, айтилик, синф хоналаридан туриб ахборот-ресурс маркази базасига боғланишлари, у ердаги турли адабиётлар, фанларга оид қўлланмалардан фойдаланишлари мумкин экан. Энг муҳими, ўқувчиларнинг фикрлаш доираси, дунёқарашини кенг. Узи танлаган касб сирларини ўрганишга бўлган интилиши юқори. Мана шундай илмга чанқоқ фарзандлари бор юртингиз, шубҳасиз, келажаги буюкдир.

«Халқ сўзи» мухбирлари Шавкат ОРТИҚОВ, Саиджон МАХСУМОВ ёзиб олди. Ҳосон ПАЙДОЕВ олган суратлар.



Мамлакатимиз олий таълим муассасалари мустаҳкам моддий-техник базага эга.

Хунеке Ханс-ВЕРНЕР, Фрайбург педагогика университети проректори (Германия):

— Жуда кўп давлатлар ҳалихануз жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози оқибатларидан қутула олмаганди. Бюджет тақчиллиги, савдо ҳажмининг пайсаси, ишлаб чиқаришнинг қисқариши, хуллас, мураккаб иқтисодий вазият бошқа соҳалар ривожига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Мана шундай шароитда Ўзбекистонда барқарор ўсиш суратлари таъминланаётгани, таълим, соғлиқни сақлаш, иж-

тимой ҳимоя каби муҳим йўналишларга катта куч ва маблағ сарфланаётгани эътиборга лойиқ. Яқинда Президент Ислам Каримовнинг 2011 йил якунларига бағишланган маърузаси билан танишиб, бунга яна бир қарра амин бўлдим. Эътибор бериш: олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011 — 2016 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш учун 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўнал-

тириш кўзда тутилаётган экан. Бу фақатгина олий ўқув юртига учун мўлжалланган тадбирлардир. Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежларидаги имкониятлар ҳам мунтазам кенгайтириб боришмоқда. Бунга Тошкентдаги қатор таълим муассасалари, хусусан, 169-мактабда меҳмон бўлганимизда, яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Таълим даргоҳларида яратилган шароитлар жаҳон стандартларига тўла мос келади.

Хоразм вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмиталари, парламент юқори палатасининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг кенгайтирилган қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги ҳамда “Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Хоразм вилоятидаги маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ижро этилиши муҳокама қилинди.

ҚОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Мажлисида алоҳида қайд этилганидек, Хоразм вилоятида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилишини таъминлаш мақсадида бир қатор ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар ўтказилган. Булар маҳалларни демократия, ошқоралик ва муқобиллик асосида шакллантиришда фуқароларнинг кенг иштирок этишига бўлган конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқариш имконини берди. Бунда сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунириш, сайлов жараёнини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг имкония-

аҳолисининг фуқаролар вакилларини сайлаш бўйича умумий йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш, фуқаролар йиғинларига (фуқаролар вакилларининг йиғилишларига) фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) маслаҳатчиси лавозимига тавсия этиладиган номзодларни кўрсатиш ҳуқуқини бериш зарурлиги ва бошқалар ҳақида айтиб ўтилди.

Парламент назорати

Кенгайтирилган қўшма мажлисида, шунингдек, “Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Хоразм вилоятида ижро этилиши ҳам кўриб чиқилди. Унда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилаётганини кўрсатиб ўтилди.

Чунончи, 2011 йил май — июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш вақтида вилоят, шаҳар, туман комиссиялари ва ишчи гуруҳлар фаолиятининг самарадорлиги сезиларли даражада ошди.

Ийгилишда сайловолди тадбирларини ташкил этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашилари депутатлари ўз сайлов округларида фаол қатнашгани айтиб ўтилди. Шу билан бирга, маҳаллий ижро этувчи органлар фуқаролар йиғинларига сайловни ташкил қилиш учун зарур биналар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминладилар. Энг муҳими, мазкур сайловларда оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари ошқоралик, муқобиллик ҳамда демократия тамойиллари асосида сайланди.

Шу билан бирга, мажлисида фуқаролар йиғинларига сайлов тизимининг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан айрим тақлифлар билдирилди. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ўтказиш жараёни бошлангичининг аниқ муддатларини қонунчилик тартибиде белгилаб қўйиш, ишчи гуруҳларга ҳовлилар, тураржойлар, кўчалар, маҳаллалар

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланғич 1-бетдан.)

Тош улоқтириш бўйича вилоят, республика миқёсидаги мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаганман. Спорт билан мунтазам шуғулланганим армияда ҳам жуда асқотади, деб ўйлайман. Келажакда ҳарбий бўлмоқчиман.

Дарвоқе, биз бу йилгит билан вилоят мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пуфтида бир гуруҳ ёшларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимида учрашдик. Тадбирда жамоатчилик вакиллари, ҳарбийлар, қаҳирилувчиларнинг ота-оналари ҳам иштирок этишди. Эътиборимизни юз-кўзидан ҳажжони сезилиб турган икки онахон тортди.

— Аскарлик либоси ўғлим Элдоржонга шундай ярашиб тушибдики, асти кўяверасиз, — дейди улрдан бири. — Ёнидаги синфдоши Шерали-

Муқаддас бурч

жон эмасми? Мактабда бирга ўқишганда ҳам ораларидан қил ўтмасди. Қаранг, армияга ҳам бирга жўнаб кетишяпти-я. Кўз тегмасин.

Дарҳақиқат, Элдоржон Тошев билан Шерали Ғафуров Ғиждувон туманидаги 28-мактабда бирга ўқишган. Иккаласи ҳам спортнинг бокс, шунингдек, Шарқ жанг санъати турлари билан шуғулланишган. Қади-басти келишган, билаклари бакуват. Бундай йиғитлар армия ҳаётига тез мослашади.

— Ўғлим Шарофиддинни армияга кузатгани келдик, — дейди Шофиркон туманида яшовчи Тельмон Шакарон. — У Бухоро юридик ва маъиший хизмат касб-хунар коллежини тугатган. Келажакда ҳарбий соҳада ишлаш

ниятида. Ўғлим, албатта, эл-юрт ишончини оқлайди.

Отанинг қатъият билан гапириши беҳиз эмас. Шарофиддин ҳарбийлар оиласида ўсиб-ўлғайган. Тельмон ака — ҳарбий хизматчи, капитан. Ҳозир нафақада. Оиланинг тўнғичи Маъмуржон Ширини ота изидан бориб, айни дамда Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаёпти. Фарзанд таълим-тарбияси билан хиддий шуғулланишнинг ўз бурчи деб билган ана шундай ота-оналар сазъи-ҳаракати зое кетмаётганини кўриш ҳарбий соҳа вакиллари ҳам қувонтирмай қўймайди, албатта.

— Оқсаройида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатда-

ги йиғилишида Президентимиз бола тарбиясида спортнинг ўрни беқеъс эканини жуда қў ҳаётий мисоллар билан асослаб бердилар, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими, подполковник Мақсуд Адашев. — Масалан, муддатли ҳарбий хизматга қақирилган ёшлар орасида хизматга лойиқ деб топилганлар сезиларли даражада ортиб бораётгани ҳақидаги фикрлари барчанамизни қувонтиради. Чиндан ҳам, биз бевосита ушбу жараёнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Армияга бориш истагидаги ёшларнинг билими, ақл-идроки, жисмоний тайёргарлиги бундан 15-20 йил олдинги ҳолат билан солиштирилганда, мутлоқ фарқ қилади. Яъни ҳозирги ёшларнинг фикрлаши,

ўзлаштириш қобилияти анча кучли, бўйлари ҳам баланд. Бу, шубҳасиз, мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида спорт, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган эътибор ва гамхўрлик самарасидир.

Мана, бугун белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтган йиғитлардан бир гуруҳи Қуролли Кучларимиз сафарига жўнаб кетишяпти. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 12 январдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъ-

минлашда шаҳар ва туман ҳокимликлари, “Маҳалла”, “Нуроний” жамғармалари, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари билан ҳамкорликда ишлаётганимиз кўл келмоқда.

...Бу ерда ҳарбийларнинг қисқа ва аниқ кўрсатмаларига мувофиқ, қақирилувчилар саф тортишди. Ҳарбий оркестр жўрлигида тадбирнинг тантанали қисми бошланди. Унда сўз олганлар йиғитларни эл-юртга фидойий, Президентимизга садоқатли бўлишга даъват этидилар. Ватан сарҳадларини қўриқлашдек шарафли вазифани ўташда уларга куч-қувват тиладилар. Бўлажак аскарларнинг барчасига “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро шаҳар кенгашининг совгалари топширилди. Санъаткорлар ижросида она-юрт, тинчлик, ёшликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар ангради.

Истам ҒИЗОМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ РАСМИЙ ҲУЖЖАТ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Мазкур ҳужжатда сармоявий сиёсат соҳасига ҳам эътибор қаратилган бўлиб, унда Ўзбекистон иқтисодиётига капитал кўйилмаларининг ҳажми 11,6 маротаба ошгани қайд этилди. "АҚШ, Германия, Буюк Британия, Испания, Япония, Малайзия, Корея Республикаси, Хитой, Россия каби мамлакатларнинг йирик компаниялари, шунингдек, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Жанубий Корея, Япония, Хитой ва бир қатор араб давлатларининг инвестицион компаниялари юқори қўшимча қийматли юксак технология маҳсулотларини ишлаб чиқаришга оид сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича асосий ҳамкорлар ҳисобланади", дея таъкидланади ҳужжатда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон изчил равишда жаҳон ҳўжалик муносабатлари тизимига кириб боргани ҳам ушбу ахборот материалда қайд этилади. 2008 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, мамлакат иқтисодиёти ташқи таъсирларга нисбатан барқарор эканли-

гини намойн қилгани ҳолда, Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилиши корхоналарни модернизациялаш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун янги имкониятларни яратди.

"20 йил давомида Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 27,1 баравар, жумладан, экспорт 29,5 марта, импорт эса 24,2 марта ошди. Ташқи савдодаги ижобий сальдо 53 мартага кўпайиб, бу олтин-валюта захираларининг кескин ортиши ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлади. Бугун Ўзбекистон юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулотларни экспорт қилгани ҳолда, асосан, корхоналарни техникавий ва технология модернизациялашга мўлжалланган юқори технология ва асбоб-ускуналарни импорт қилмоқда".

Ўзбекистон иқтисодиётининг тараққиётида транспорт инфратузилмаси алоҳида аҳамият касб этиши ҳам ушбу ҳужжатда ўз ифодасини топган. Ўзбекистон транспорт соҳаси ривожланишидаги энг йирик лойиҳалардан бири — Навоий шаҳрида янги халқаро аэропорт қурилиши ва "Навоий" эркин индустриал-

иқтисодий ҳудудининг яратилиши ҳисобланади.

Юқоридегилар билан бирга, мазкур ҳужжат ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва аҳоли турмуш тарзининг барқарор ўсиши масолида республикамиз ижтимоий соҳасида рўй бераётган сифат ўзгаришлари ҳақида ҳам маълумот беради.

"Кучли ижтимоий сиёсат, соғлиқни сақлаш тизимининг ислоҳ қилиниши натижасида сўнги 20 йил давомида аҳолининг ўртача умр қўриши 67,2 ёшдан 73,1 ёшга ошди. Мустақиллик даврида аҳоли жон бошига реал пул даромадлари 3,7 маротаба кўпайди. Мулк ва тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадлар ўсиши аҳоли даромадларининг умумий ҳажмида 47 фоизни ташкил қилди.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш доирасида таълим тизими тубдан модернизация қилинди. 1,6 миллион ўринга эга бўлган 1,5 миндан зиёд касб-хунар коллежлари ва академик лига-цейлар барпо этилиб, жиҳозлангани ҳолда, иқтисодиёт соҳаларида талаб мавжуд мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнида замонавий ташхис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган 3000 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди. Лойиҳаларни молиялаштиришга Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, хорижий мамлакатлар ҳукумат молиявий ташкилотларининг жами 335,1 миллион АҚШ доллари билан иборат имтиёзли ва узоқ муддатли кредитлари, сармоя ва грантлари жалб қилинди", дея маълумот берилади ҳужжатда.

Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ишлаб чиқилган мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг стратегик йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, дея таъкидланади мазкур ҳужжатда. Ўзбекистон иқтисодиётининг 2012 — 2015 йиллардаги тараққиётининг устувор йўналишлари ва прогноз параметрлари белгиланган.

Хусусан, Ўзбекистон замонавий ривожланишининг стратегик устувор йўналишлари

сифатида ўсучан ва мувозанатли тараққиёт, чуқур тизимли ислохотларнинг давом эттириш, иқтисодиётнинг етакчи соҳаларини диверсификациялаш ва модернизациялаш, бизнес билан шуғулланиш муҳит ва ишбилармонлик шароитини шакллантириш, юқори қўшимча қийматли рақобатбардор замонавий технология маҳсулотлар ишлаб чиқариш-ни ўзлаштириш ва, энг аввало, мавжуд хом ашё ресурслари чуқур қайта ишланиши ва иқтисодиётнинг бошқа устуворликларидан фойдаланиш орқали экспортга йўналтирилган корхоналарни ривожлантириш белгиланган.

Мамлакат иқтисодиёти тараққиётини таъминлашда 2012 — 2015 йиллар учун қабул қилинган ва бир-бири билан узвий боғланган тўрт йўналишдаги стратегик тараққиёт дастурлари ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилишига ўта муҳим ўрин берилган. Улар 77,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi сармоялар ҳажмига эга бўлган саноат, инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилиши ҳамда молия-банк соҳаси ислоҳ қилиниши қамраб олган.

Ҳужжатда, шунингдек, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 96 триллион 550 миллиард сўм (2011 йили 77 триллион 842 миллиард сўм) бўлиши кўрсатилган, ЯИМ таркибида саноат улшининг 24 фоиздан 28 фоизгача ўсиши, сервис инфратузилмасининг кенгайиши натижасида 2012 — 2015 йилларда транспорт ва маъмулий хизматлар ҳажми 2,5 марта ортиши башорат этилаётгани келтирилгани ҳолда, банк тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари белгиланган олингани ҳам ўз аксини топган.

Ҳужжат якунида "Кенг қўламли иқтисодий ислохотларнинг давом эттирилиши, қўйилган мақсадларга эришиш учун ресурслар ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши кўрилатган чоратadbирларнинг изчиллиги ҳамда тадбирдорлиги таъминлайди, бу эса узоқ муддатли мақсадга — иқтисодий тараққиёт этган демократик давлатлар сафига қўшилиш ҳамда жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллашга имкон беради", дея алоҳида таъкидланади.

«Жаҳон» АА. Нью-Йорк

24 соат ичида

ЖАҲОН

Европа Иттифоқи оғир иқтисодий ҳолатга тушиб қолган Греция мамлакатини ташкилот томонидан қўйилган учта шартни бажарса, яна молиявий ёрдам берилиши маълум қилди.

Шартли кредит

Бунинг учун Греция парламенти Европа Иттифоқи билан келишиб олинган ҳаракатлар режасини махсус йиғинда тасдиқлаши, давлат ҳаражатларини 325 миллион еврогача қисқартиришнинг аниқ муддатини белгилаши, бу вазифаларни бажаришга сиёсий қафолат берилиши таъминлаши зарур.

Агар ушбу талаблар тўлиқ бажарилса, Греция Европа давлатлари томонидан ваъда қилинган 130 миллиард евро миқдоридagi кредитни олиши имконига эга бўлади.

Зилзила содир бўлди

Чоршанбадан пайшанбага ўтар кечаси Италия пойтахтида зилзила содир бўлди.

Мамлакат Геофизика ва вулканология миллий институти хабарига қараганда, 3,4 балли ер силкиниши маркази Римдан 70 километр узоқлида жойлашган Латина шаҳрида қайд этилган.

Табий офат мазкур ҳудуд аҳолиси ўртасида бир оз саросимани келтириб чиқарган. Қўрбонлар ва айрионалар ҳақида маълумотлар йўқ.

Қамоқхонада ёнғин

Гондураснинг Комагуа шаҳридаги қамоқхонада юз берган ёнғин оқибатида 350 нафар одам ҳаётдан кўз юмган.

Бу ҳақда "France Press" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Қўнғилсизлик содир бўлган вақтда жазо муассасасида 900 киши бор эди. Ут кетиши туфайли бошланғич тартибсизликлар вақтида уларнинг бир қисми турмадан қочган. Воқеа жойига келган мамлакат хавфсизлик вақами кўрбонлар ҳақида аниқ рақами айтишга ҳали эрталгини билдириди.

Хозирча ёнғин чиқишига нима сабаб бўлгани номаълум.

Муз қўчиш хавфи

Шу кунларда Арктикада ИКШнинг Нью-Йорк шаҳридан икки баробар катта ҳажмидаги муз бўлағи қўчиш арафасида турибди.

Хозирча муз қўлардан ажралиб чиққан бўлакнинг узунлиги 30 километрдан кўпроқни ташкил этмоқда. Яқин орада ушбу миқдор 900 километрдан ошиб кетиши тахмин қилинаётди.

Олимларнинг фикрича, бундай катта ҳажмидаги музнинг қўчиши океан сатҳининг сезиларли даражада кўтарилишига сабаб бўлиши мумкин.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Реклама ва эълонлар

«АСАКА» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ (ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ)

«АСАКА» банки (ОАЖ)

республикамизда 2012 йил — «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида

«ЭНГ ЯХШИ ТАДБИРКОР АЁЛ ЛОЙИҲАСИ»

танловини эълон қилади.

Танловнинг асосий шартлари ва талаблари

1. Танлов иштирокчиси — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари бўлган тадбиркор аёллар.
2. Лойиҳа қиймати — 50 000 АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда (Марказий банк курси бўйича миллий валюта эквивалентида).
3. Лойиҳани амалга ошириш муддати — 5 йилгача.
4. Лойиҳага қўйилган асосий шартлар:
 - лойиҳа ташаббускорининг ўз маблағлари билан иштироки — лойиҳа қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда;
 - банк талабларига жавоб берадиган ҳар қандай ликвид таъминот турлари, жумладан, кредит ҳисобига сотиб олинмаган асбоб-ускуналар, кредит суммасининг 125 фоизидан кам бўлмаган миқдорда;
 - ишлаб чиқариш соҳасидаги «Энг яхши тадбиркор аёл лойиҳаси» бўйича камида 5 та янги иш ўрни яратилиши ва бир йиллик тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 100 млн. сўмдан кам бўлмаслик;
 - хизмат кўрсатиш соҳасидаги «Энг яхши тадбиркор аёл лойиҳаси» бўйича камида 3 та янги иш ўрни яратилиши ва бир йиллик хизмат кўрсатиш ҳажми 50 млн. сўмдан кам бўлмаслик.
5. Лойиҳани баҳолаш мезонлари — ички истеъмол бозорини сифатли ва рақобатбардор озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга, шунингдек, янги хизмат турларини жорий этишга қаратилган лойиҳалар устуворликка эга бўлади.
6. Танлов голибларига имтиёзлар — лойиҳа имтиёзли фоиз ставкалари асосида молиялаштирилади ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.
7. Лойиҳани тақдим этиш — «Асака» банкнинг жойлардаги барча филиалларига.
8. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати — 2012 йил 1 мартга қадар.
9. Танлов голибларини эълон қилиш муддати — 2012 йил 15 мартгача.

«Асака» банки — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!

«Асака» банки (ОАЖ) филиаллари кредит бўлимларининг телефон рақамлари

Филиаллар номи	Телефон рақамлари	Филиаллар номи	Телефон рақамлари
Қорақалпоғистон филиали	(8-361) 223-88-78	Сирдарё вилояти филиали	(8-367) 225-28-61
Андижон вилояти филиали	(8-374) 224-56-98	Тошкент вилояти филиали	(8-371) 120-84-04
Асака филиали	(8-374) 233-35-05	Фарғона вилояти филиали	(8-373) 224-72-14
«Фарход» филиали	(8-374) 226-96-93	Марғилон филиали	(8-373) 237-60-71
Бухоро вилояти филиали	(8-365) 223-11-15	Олтириқ филиали	(8-373) 432-19-80
Бухоро шаҳар филиали	(8-365) 224-63-05	Қўқон филиали	(8-373) 552-61-01
Қашқадарё вилояти филиали	(8-375) 221-15-38	Хоразм вилояти филиали	(8-362) 226-96-03
Навоий вилояти филиали	(8-436) 770-21-28	Тошкент шаҳар филиали	(8-371) 120-83-00
Зарафшон филиали	(8-436) 573-18-80	«Автотранспорт» филиали	(8-371) 120-39-01
Наманган вилояти филиали	(8-369) 226-91-45	Шайхонтоҳур филиали	(8-371) 140-39-04
Самарқанд вилояти филиали	(8-366) 231-19-36	Юнусобод филиали	(8-371) 225-16-33
«Афросиёб» филиали	(8-366) 234-18-12	Сергели филиали	(8-371) 257-87-55
Сурхондарё вилояти филиали	(8-376) 227-35-85	Жиззах вилояти филиали	(8-372) 226-34-90

«SAGDIANA REAL SERVICE» МЧЖ

савдолар залида 2012 йил 16 март кuni соат 11.00 да ўтказилади, объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очик аукцион савдоларига қўйидаги объектлар сотувга қўйилганлигини маълум қилади.

ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор (собик С. Раҳимов) тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли икки варақасига асосан, суд департаментининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган:

1. Самарқанд шаҳри, Набиева кўчаси, 6-уйда жойлашган, 1993 йилда қурилган, алоҳида кадастрларга эга бўлган «Жаҳон-жон» МЧЖ балансидаги автомобилларга газ қуйиш шохобчаси (АГҚШ), омборхона ва боқсар. Умумий ер майдони — 0,8 гектар, қурилиш ости майдони — 1204,4 кв.м.
2. «JOZIBA DSHA» МЧЖга тегишли, Самарқанд шаҳри, Ипак йўли кўчасидаги офис биноси, умумий ер майдони — 676,45 кв.м., қурилиш ости майдони — 166,69 кв.м. **Бошланғич баҳоси — 136 000 000 сўм.**
3. «Жаҳон-жон» МЧЖга тегишли бўлган, Самарқанд шаҳри, Фарход кўрғони ҳудудидаги АСГҚШ, умумий ер майдони — 9007,32 кв.м., қурилиш ости майдони — 1236,63 кв.м. **Бошланғич баҳоси — 426 998 000 сўм.**

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланғич баҳо бир кун колганда тўхтайтилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабдорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридagi закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «SAGDIANA REAL SERVICE» МЧЖнинг «Усанотқурилишбанк»нинг Самарқанд шаҳар «Амир Темур» филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

Манзилимиз: Самарқанд ш., Беруний к., 196-уй. Мўлжал — Чой қадоқлаш фабрикаси қаршида. Телефонлар: (8-366) 229-03-12, 229-65-88, (+99866) 269-41-11.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.

(ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚҚ сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиради.

Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади. Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

Баҳоси — 1 тонна учун 8 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.

2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.


Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР

9.00 дан 18.00 гача **232-11-15, 236-09-25.**

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. E-mail: reklama@xs.uz

«O`zbekiston» телерадиоканали жамоаси «Ахборот» информацион дастурлар бош муҳарририятининг бош муҳаррири ўринбосари Нейматилла Бойназаровга акаси Раҳматилла ЧИНИҚУЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Кундалик ҳаётимизда кўплаб янги атама ва сўзларга дуч келамиз. Аммо ҳар доим ҳам уларнинг маъносини тўла англаб етасанми? Ер захиралари, кўчмас мулк билан боғлиқ "кадастр" атамасини шулар сирасига киритиш мумкин. Тарихий илдизи қадимий Мисрда бориб тақалувчи мазкур сўз бугунги кунда деярли барча тармоқларда ишлатилади.

ҚЎРИҚХОНА «МАЛИКА»СИ

— Она-табиатни кўз қорачигидек асраш юртдошларимизнинг муҳим вазифаларидан бирига айланиши керак, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси раиси Парахат Айтмуратов. — Чунки ўсимлик ва ҳайвонот дунёси муҳофазаси уларнинг кўмағига муҳтож. Буни аҳолига тушунтириш мақсадида мутахассисларимиз томонидан кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, "Бадай-тўқай" давлат кўриқхонаси негизда Қўйи Амударё давлат биосфера резервати ташкил этилгани бу борадаги ишларимизни янада жонлан-тириб юборди. Гап шундаки, эндиликда Амударё дельтасида табиий тўқай захираларини муҳофаза қилиш, қайта тиклаш, айти пайтда улардан барқарор фойдаланиш имконияти яратилди.

кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилганининг амалий самарасидир. Таъкидлаш керакки, тўқай маликасига айланган ушбу ноёб жониворлар ўзидан кўпайгани сари кўриқхона ҳудуди торлик қилаётгани сезилаётган эди. Шундай пайтда биосфера резервати ташкил этилиб, муҳофазаси қилинадиган ҳудудлар майдони кенгайтирилгани айти мўддо бўлди. Шу билан бирга, 2006 — 2011 йилларда БМТ Тараққиёт дастури ва Глобал Экологик жамғармаси ҳамкорлигида Қорақалпоғистон Республикасида қиймати 1,2 миллион АҚШ долларлилик "Амударёнинг қўйи қисмида тўқай-ўрмонзорларни сақлаш ва муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимини мустаҳкамлаш" лойиҳаси муваффақиятли рўёбога чиқарилди. Буларнинг бари Орол бўйида биохилмаллик ва табиий захираларни сақлаш, улардан барқарор фойдаланишни шакллантириш имкониятларини янада кенгайтирди. Тизимда изчил амалга оширилаётган бу каби ислохотлардан қўзланган ягона мақсад табиатимиз бағридаги бойликлардан самарали фойдаланиб, ўсимлик ва ҳайвонотнинг ноёб турларини асраб-авайлаган ҳолда, келгуси авлодга безавол етказишдир.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўсимликлар кадастри: МУҲОФАЗАДАГИ ЯШИЛ БОЙЛИК

Яъни табиий захиралар, санонат чикиндилари, тарихий-маданий ёдгорликлар, сув, ўрмон кадастри ва унинг бошқа турлари мавжуд. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси кадастри эса давлат кадастрининг ажралмас қисмидир. Ўзбекистонда ўсимликнинг давлат кадастри узлуксиз ёки даврий кузатувлар асосида олинган маълумотларнинг тизимлаштирилган кўриниши сифатида унчалик узоқ бўлмаган тарихга эга. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 сентябрдаги 343-сонли қарорига кўра, Фанлар академияси тасаруфидоги илмий текшириш институтлари зиммасига республика флора ва фаунасидаги камёб, йўқолиб кетиш хавфи остида турган турларнинг кадастрини юритиш вазифаси юклатил-

кент вилояти танланиб, бу ерда кўпроқ тарқалган ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоб"га киритилган ўсимлик турларининг давлат кадастридан ўтказиш ишлари қилинган. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридоги Фан ва технологияларни ривожлантириш мувофиқлаштириш кўмитаси томонидан 2003 — 2005 йиллар давомида молиялаштирилган лойиҳани бажариш мобайнида вилоят ҳудудида 78 турга мансуб ўсимликлар популяциялари аниқланиб, уларни давлат кадастрига киритиш белгиланди. Урганчилан турлар орасида "Қизил китоб"нинг биринчи ва иккинчи нашрларига киритилган 9 та турнинг камёблик мақомига тегишли ўзгаришлар киритилди. Бу эса, ўз навбатида, мазкур китобнинг ке-

тинги нашрларини тайёрлашда катта аҳамият касб этди. Албатта, ушбу йўналишда олиб борилган илк илмий изланишлар баъзи камчиликлардан холи эмас эди. Лекин шунга қарамадан, Тошкент вилоятидаги ўсимликлар турлари таркиби ва уларнинг ҳола-

лар амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси мутахассислари томонидан кадастр маълумотларини йиғиш ва таҳлил этишнинг такомиллаштирилган уч босқичли (туман, вилоят, республика) шакли ишлаб чиқилган.

Ҳозирги кунда республикамизнинг айрим ҳудудлари ўсимликлари таркиби тўла ўрганилмаганили, туманлар ва вилоятлар даражасида ўсимликлар, айниқса, камёб ҳамда йўқолиб бораётган турларни давлат кадастрига олиш борасида мутахассисларнинг етишмаслигини инобатга олсак, ушбу шакл соҳа ривожига айти мўддоидир. Шу билан бирга, бу Фанлар академияси илмий лабораториялари ёки олий ўқув юрларида ўсимликлар бўйича зарур билимларга эга бўлган мутахассисларнинг қўнига кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади. Мухтасар қилиб айтганда, айти пайтда ўсимликларнинг давлат кадастри маҳаллий биологик хилмалликни ўрганиш, баҳолаш, тах-



ли қилиш ва ҳужжатлаштиришда аниқ ҳамда ишончли маълумотлар берувчи тармоқ сифатида шаклланиб бормоқда. Кадастр технологияларининг такомиллаштириши, геоинформацион тизимларнинг кенг қўлланилиши, мутахассислар сафининг кенгайтириши ва атроф-муҳитга антропоген омиллар таъсирининг кун сайин ортиб бораётгани келгусида соҳани янада ривожлантириш лозимлигини кўрсатади. Зеро, ўсимликлар нафақат табиат яшиллиги ёки мусаффолигини, балки инсоният яшаш учун қулайлиқни таъминловчи манбадир.

Комилжон ТОЖИБАЕВ, биология фанлари доктори.



Ўтган йили Сарийосё туманидаги "Улуғ Сабо" кўп тармоқли фермер хўжалигида чорвачиликнинг яна бир тармоғи — туячилик йўлга қўйилди. Чўл жониворлари эса Кўлписта тоғ-адирлари иқлимга тезда мослашиб кетди.

Туячилик — сердаромад тармоқ, — дейди фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Кумридин Насриддинов. — Мамалдан, ҳар бош туядан 10 — 13 килограммдан ортиқ жун олиш мумкин. Унинг жуни таркибиде тивит бўлгани боис жуда майин ва шифобахш ху-

сусятга эга. Ундан буйрак ва бел шамоллаганда ишлатиладиган тиббий белбоғлар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида замонавий минитехнологияни олиб келиш ҳаракатидамиз. Халқ табиатида кўплаб касалликларни даволашда туянинг сутидан ҳам кенг фойдаланилади. Асаб касалликларига чалинган кишиларга эса туяда сайр қилиш тавсия этилади. Чунки унинг оҳиста ва вазмин юриши асабни тинчлантириб, кишига хотиржамлик бағишлайди.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Наботот

"Қушқўнмас" ўсимлигини кўпчилик готвикон, оқ қаррак, тиконли оқ қаррак, деб ҳам атайдилар. Унинг гуллари тиконли тўп саватча ҳосил қилгани учун халқ орасида шундай ном олган.

«Қушқўнмас» — дарага чалинтирмас

Бўйи 2 метргача боради, ёрқин бинафша рангда гуллайди. Унинг дориворлик хусусиятлари азалдан маълум. Абу Али ибн Сино асарларида келтирилишича, ўсимлик қайнатмаси тиш оғригини тўхтатади, ўйилган яраларни даволайди. Меваси эса лак-лук шийшага фойдалидир. Ўсимликнинг биокимёвий таркиби ўрганилганда, ноёб биологик фаол модда — силмарин мавжудлиги аниқланди. Бу жигарни даволаш, инсон организми иммунитетини ошириш хусусиятига эга. Шунингдек, унда рух, селен, мис, ёғда эрувчан дармондорилар, кверцитин, ярим тўйилмаган ёқ кислоталари бор. Шунинг учун у кўплаб дори-дармонлар таркибига киритилади.

"Қушқўнмас" овқатдан заҳарланганда, қандли диабетда, семизликда, кўз нури пайсида яхши самара беради, юрак-қон томири касаллигини хуружининг олдини олишда қўл келади. Шунингдек, у жигар ва қони тозалашда, кимё ёки нур терапияси муолажаси олгандан сўнг нурланишдан сақланиш учун тавсия этилади. Бундан ташқари, холецистит, ўт йўли яллиғланишида, ўт-тош ва ошқозон ости беши хасталигида, тузлар йилганида, вена қон томири кенгайишида, бов, бўгин оғриқларида, бавосил (геморрой), аллергия касаллигида қўлланилади. Халқ табиатида ўсимлик илдизининг қайнатмаси тиш оғриғи, меъда (ошқозон) касаллигига буюрилади. Уруғи эса қондаги қанд миқдорини пасайтириб, тозалайди. Бунинг учун қунига таомдан ярим соат олдин бир чой қошиқдан 4 маҳал қайнатилган сув билан ичилади, кифоя. Уруғидан олинган мой ҳам аjoyиб малҳам ҳисобланади. У моддалар алмасувини яхшилайди, жигадон қайнаганда, тери куйганда, узоқ битиши қийин бўлган яраларни даволашда эм бўлади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.

Жараён

Биосфера резерватининг асосий майдони 11568,3 гектарни ташкил этади. Бундан ташқари, 57149,5 гектарлик буфер ва ўтиш зоналари мавжуд. Бу ерда доривор ўсимликларнинг 160 тури, ҳайвонот оламидининг 135 вакили учрайди. Уларнинг салмоқли қисми халқаро ва мамлакатимиз "Қизил китоб"га киритилган ноёб турлар эканлиги алоҳида эътиборга молик. Бухоро бугуси — хонгули шулардан биридир. Қўриқхона ташкил этилган дастлабки йилларда учта хонгули олиб келинган эди. Жониворларнинг эмин-эркин яшаши учун қулай табиий шароит яратиб берилгани туфайли улар йил сайин кўпайиб, бугунги кунда 600 бошга етди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, дунёнинг ҳеч бир қўриқхонасида бунчалик кўп хонгули парвариланмайдилар. Бу мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот турларини



Табиат аjoyиботлари

Алп кўнғирқоқ гули ўзидан шунчалик ҳарорат чиқарадики, бунинг натижасида атрофдаги қорлар эриб кетади. Айти қиш палласида бу гўёки қордан "бош кўтариб", эрта баҳорда ўзининг бежирим гулларини намойиш этишининг боиси шунда.

Бир гуруҳ шотландиялик олимлар қарам билан шолонгни чашиштириб, янги наъ яратишга муваффақ бўлишди. Қашш этилган аштиқа наъ — "қарам-шолон" нафақат тўйимликни ёки ўзинга соғатми билан, балки зараркунада ҳамда касалликларга чидамлиги билан ҳам ажралиб туради.

Маннон НАБИЕВ тайёрлади.

Туя асабни тинчлантиради

Туячилик — сердаромад тармоқ, — дейди фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Кумридин Насриддинов. — Мамалдан, ҳар бош туядан 10 — 13 килограммдан ортиқ жун олиш мумкин. Унинг жуни таркибиде тивит бўлгани боис жуда майин ва шифобахш ху-

Сирка дарахти

Сирка дарахтининг меваси қизил рангда, гўжум-гўжум ва юмалоқ шаклда бўлади. Унинг камайиб кетишига дарахтларнинг ўтин сифатида кесиб ташланиши, ёш ниҳолларнинг чорва моллари томонидан топталиши асосий сабаб бўляпти. Бу камёб тур мамлакатимизда маданийлаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда Андижон ва Тошкент вилоятларида парваришланмоқда.

Кўк суғур

Йилнинг қолган қисмини инлариде ўтказилади. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур эндемик кенжа турнинг йўқолиб боришида яйловлардан чорвачиликка кенг фойдаланилиши ва браконьерликнинг авж олиши сабаб бўлмоқда. Устига-устак, табиий қушандлар, яъни бўри, тулки, бургут ва илвирсларнинг таъқиби уларнинг кўпайиш имкониятини янада чекламоқда. Бу жонивор Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоб"га киритилган.



Ўқинг, қизик!

• Инсоният томонидан етиштирилаётган энг кўҳна сабзавот — бу нўхат. • Панда боласи туғилганда унинг оғирлиги атиги 120 грамм тош босади. • Агар денгиз юлдузи бўлакларга ажратилса, унинг ҳар бир қисмидан янги юлдуз ўсиб чиқади.

Сувбургут инининг оғирлиги бир тоннадан ошади

• Тошбақалар 2 миллион йилдан бери яшаб келаётган ва ҳатто, муз даврида ҳам жон сақлай олган қадимий жонивордир. Аммо бугунги кунга келиб, тошбақа турларининг қарийб ярми йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди. Бунга уларнинг гўштидан тансиқ таомлар тайёрлаш ва тиббиётда кенг фойдаланилаётгани сабаб бўлмоқда. • Сархил кокос ёнғоғи ичидоги суюқликдан фавкуллода

вазиятларда қонни алмаштириш учун фойдаланиш мумкин. • Медуза организмнинг 95 фоизи сувдан ташкил топган бўлиб, унда на мия, на юрак, на суяк ва на кўз бор. • Оқбош сувбургути инининг оғирлиги бир тоннадан ошади. • Уккининг кўзи юқори пардалари орқали очилиб-ёпилади. Бошқа қушлар бу ишни пастки пардалар орқали амалга оширади.

• Типратикан танасида шундай мушак борки, унинг ёрдамида бу жонивор кўз очиб-юмгунча "кпопточка"га айланади-қолади. • Техас штатидаги горларда яшайдиган 20 миллиондан зиёд кўршапалақлар ҳар тунда 200 тоннагача хашаротни пақос тушираётган экан. • Поганка (ўрдақсимон қуш) ўз полапонларини хавфдан ўзига хос усулда ҳимоя қилади. Хатар сезилиши заҳоти у жўжа-

лари билан ҳавзага тушади-да, ўзининг елка қисмини юзада қолдириб, сувга шўнғийди. Полапонлари елкасига чиқиб олган, самога кўтарилиб, хавфсиз жойга бориб қўнади. • 1859 йилда Австралияда табиат қўйнига 24 та қуён кўйиб юборилган эди. Орадан олти йил ўтиб, уларнинг сони 6 000 000 дан ошиб кетган. • Олмаҳон ердан кўра дарахтда тезроқ югураётган экан.

Сидд МАХСУМОВ тайёрлади.



ОБ-ҲАВО	Коракалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида	Бухоро ва Навоий вилоятларида	Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида	Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида	Тошкент шаҳрида						
(17 февраль)	-5 -10	-2 +3	0 -5	+5 +10	-2 -7	+5 +10	-3 +2	+7 +12	-2 -7	+3 +8	-4 -6	+6 +8

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонулчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 254. 107 942 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Хамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буяқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.50 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5